

10. Mollah Aminul Islam, Haiyun Liu, Muhammad Asif Khan, Md Tariqul Islam, Md Reza Sultanuzzaman. Does foreign direct investment deepen the financial system in Southeast Asian economies? // Journal of Multinational Financial Management, 12 February 2021. – P.13; <https://www.sciencedirect.com>

11. Nodir Jumaev. "Ways to attract investment with assessment of investment potential of the regions" International Journal of Economics, Commerce and Management United Kingdom Vol. VII, Issue 2, February 2019 Licensed under Creative Common Page 664, ISSN 2348 0386 <https://www.researchgate.net/publication/331231655>

12. S.Elmirzayev. Rivojlangan mamlakatlarda dividend siyosati tahlili va Dividend Aristokratlari. // "Xalqaro moliya va hisob" ilmiy-elektron jurnali, №2, 2020. – B.11; <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

13. Shomirov Aziz. "The role of ipo mechanisms in attracting investments to joint stock companies: necessity and prospects", International Finance and Accounting: Vol. 2021: Iss. 1, Article 19.

14. Butaev J. Activities of large issues in the economy of Uzbekistan: Analysis and results // ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2021. – T. 11. – №. 6. – С. 757-766.

15. Ergasheva Sh., Uzoqov A. Investitsiyalarni tashkil etish va moliyalashtirish – T.: Iqtisod-Moliya, 2008. 37-b.

16. Nasirov E.I., Asamxodjayeva Sh.Sh. Investitsiya loyihalarini moliyalashtirish. Darslik. – T.: Iqtisod-moliya, 2020. 80-81 betlarda aks etgan ma'lumotlar orqali muallif tomonidan erkin tayyorlandi.

17. O'zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo'mitasining rasmiy veb-sayti ma'lumotlari asosida muallif tomonidan tayyorlandi – www.stat.uz

18. O'zbekiston Respublikasi Qimmatli qog'ozlar Markaziy Depozitariysining rasmiy veb-sayti ma'lumotlari asosida muallif tomonidan tayyorlandi – www.deponet.uz



ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНЛАРНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ, ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ИНВЕСТИЦИЯ МУҲИТИНИ ЯХШИЛАШДАГИ АҲАМИЯТИ

Матекеев Абил Аманиязович -
Қорақалпоқ давлат университети
мустақил изланувчиси

https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss1/a11

Аннотация. Мақолада эркин иқтисодий зоналарнинг ташкил этилиши, хусусиятлари ва инвестиция муҳитини яхшилашдаги аҳамияти тадқиқ этилган бўлиб, унинг ўзига хос жиҳатлари ўрганилган. Эркин иқтисодий зоналарнинг инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: қулай инвестициявий муҳит, инвестиция иқлими, иқтисодиёт, инвестицион муҳит жозибadorлиги, инвестор, халқаро молия институтлари, инвестиция, хизматлар соҳаси, драйвер, ўсиш нуқтаси, чет эл инвестициялари.

ОРГАНИЗАЦИЯ СВОБОДНЫХ ЭКОНОМИЧЕСКИХ ЗОН, ХАРАКТЕРИСТИКА И ЗНАЧЕНИЕ В УЛУЧШЕНИИ ИНВЕСТИЦИОННОЙ СРЕДЫ

Матекеев Абил Аманиязович -
независимый соискатель Каракалпакского
государственного университета

Аннотация. В статье рассматривается организация, особенности и значение свободных экономических зон в улучшении инвестиционной среды, изучаются ее специфические аспекты. Разработаны предложения по улучшению инвестиционного климата свободных экономических зон.

Ключевые слова: благоприятная инвестиционная среда, инвестиционный климат, экономика, привлекательность инвестиционной среды, инвестор, международные финансовые институты, инвестиции, сфера услуг, драйвер, точка роста, иностранные инвестиции.

THE ORGANIZATION OF FREE ECONOMIC ZONES, CHARACTERISTICS AND IMPORTANCE IN IMPROVING THE INVESTMENT ENVIRONMENT

Matekeev Abil Amaniyazovich -
Independent student of Karakalpak State University

Abstract. The article examines the organization, characteristics and importance of free economic zones in improving the investment environment, and its specific aspects are studied. Proposals for improving the investment environment of free economic zones have been developed.

Keywords: favorable investment environment, investment climate, economy, attractiveness of investment environment, investor, international financial institutions, investment, service sector, driver, growth point, foreign investment.

Кириш. Эркин иқтисодий зоналар дастлаб эркин савдо ва порт зоналари шаклида ташкил этилган XX асрнинг II ярмида ривожланаётган Осиё ва Америка қитъаси давлатлари учун хорижий инвестициялар ва ишлаб чиқаришдаги илғор технологияларни жалб қилиш воситасига айланди. Айтиш мумкин, даврдан бошлаб Европа ва АҚШда фаолият кўрсатадиган трансмиллий корпорацияларнинг юқорида таъкидланган давлатлар иқтисодиётига инвестициялар кириши жараёнларининг кучайиши мазкур давлатлар ҳудудида эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш жараёнларини тезлаштирди. Чунки трансмиллий корпорациялар ва хусусий инвесторлар мазкур ҳудудларда турли шаклдаги ташкилий, молиявий ва маъмурий имтиёзларга эга бўлардилар.

Эркин иқтисодий зоналар давлат ҳудудининг маъмурий чегараланган қисми бўлиб, уларда тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантиришга қаратилган турли шаклдаги имтиёз ва бизнес фаолиятини амалга оширишнинг содда-лаштирилган тартиблари амал қилади. Шунингдек, мазкур ҳудудларнинг солиқ, валюта, божхона, банк қонунчилиги асосий давлат ҳудудидаги мазкур соҳалар қонунчилигидан фарқланади. Уларда тижорат банклари, логистика марказлари, суғурта компаниялари, бизнес-консалтинг каби хизмат кўрсатувчи ташкилотлар фаолияти рағбатлантирилади.

Халқаро миқёсда эркин иқтисодий зоналарни ташкил қилиш, улар ҳудудида фаолият кўрсатувчи тадбиркорлик субъектларига турли имтиёзлар беришнинг ягона механизми, универсал хусусиятдаги қонунчилик ҳужжати ишлаб чиқилмаган. Бу ҳар бир давлатнинг эркин иқтисодий зоналарни ташкил қилишдан кўзлаган мақсаднинг ўзига хослиги ва хорижий инвестиция ресурсларини жалб қилишга нисбатан хорижий давлатларнинг сиёсати турли хилда эканлиги билан изоҳланади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. ЭИХларни жаҳон фанида чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш, асосан, XX асрнинг 70-йилларида бошланди. Ҳозирги замон илмий адабиёти, норматив ҳужжатлар, амалиётда ЭИХни билдирувчи хилма-хил терминлар қўлланилади: «эркин иқтисодий ҳудуд», «технологик ҳудуд», «эркин божхона ҳудуди», «махсус иқтисодий ҳудуд», «эркин тадбиркорлик ҳудуди», «эркин экспорт ҳудуд», «эркин савдо ҳудуди», «божсиз ҳудуд», «кўшма тадбиркорлик ҳудуди». XX асрнинг 80-йилларида ЭИХларнинг 20 та, 90-йилларида 30 та шакли бор, деб ҳисоблашган.

Америкалик олимлар М.Фразье ва Р.Рэн томонидан билдирилган фикрлар Р.И.Зименков тадқиқотларида қуйидагича талқин этилган: “Эркин иқтисодий зона иқтисодий ривожланиш

жабҳасида инсониятнинг энг қадимий ва шу билан бирга, энг замонавий ғояларидан биридир. Эркин иқтисодий зоналарнинг аҳамиятини кўрсатиш учун уларнинг жаҳон хўжалигининг мамлакат ичидаги “ороллари”, хорижий инвестиция, технологиялар, жаҳон хўжалигига уйғунлашиб кетишда “эркин эшиклар” деб номланувчи янги сиёсатдир [14]”, деб номлашади.

Е.Авдокушин ва Ю.Горбунова айтганидек, эркин иқтисодий ҳудудларни «махсус иқтисодий ҳудуд» деб айтиш керак, деган тушунчага қўшила олмайман. Бу ҳудудларнинг энг муҳим хусусияти – бошқа ҳудудларга нисбатан давлат аралашувининг камайиши ва иқтисодий эркинликнинг ортиши деган фикрга қўшиламан [4].

А.Базиль ва Д.Гермедисларнинг ЭИХга берган таърифи ҳам бу феноменнинг айрим қирраларини ечиб беради: ЭИХ махсус мақомга эга бўлган маъмурий жиҳатдан, айрим ҳолда географик жиҳатдан аниқланган майдон бўлиб, экспорт ишлаб чиқаришга мўлжалланган ускуна ва бошқа товарларни эркин импорт қилишни кўзда тутди. Махсус мақом, одатда, хорижий инвесторлар учун имтиёзлар берадиган қулай ҳуқуқий шароитларни ва солиқ солиш тартибини ўз ичига олади [5].

Хорижий олимларнинг илмий тадқиқотларида “эркин иқтисодий зона” категориясига яхлит тушунча шаклланмаганлигини кўрамиз.

Ж.Умирзоқовнинг фикрича, “махсус иқтисодий зона мамлакат ёки муайян минтақа ҳудудида ва унга нисбатан анклав тарзда жойлашган алоҳида ажратилган ҳудуд бўлиб, иқтисодиётга инвестицияларни жалб этиш, тадбиркорлик лойиҳаларини қўллаб-қувватлашга қаратилган молиявий- иқтисодий ва маъмурий имтиёзлар қўлланиладиган махсус тартиботли ҳудуд[12]” ҳисобланади.

Бундан ташқари С.Бозаровнинг тадқиқотларида “эркин иқтисодий зона – давлатнинг иқтисодий ва жўғрофий жиҳатдан қулай ҳудудида ташкил этиладиган, мамлакат иқтисодиётини комплекс тарзда ривожлантирадиган ва унинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувини таъминлайдиган, алоҳида имтиёзлар мажмуини ўз ичига олган режимга эга бўлган ҳамда чет эл элементи билан мураккаблашган турли ҳуқуқий муносабатлар амалга ошириладиган махсус ажратилган ҳудуд[13]” сифатида таърифланган. Хорижий ва республикамиз иқтисодчи олимлари томонидан билдирилган фикрларда, асосан, эркин иқтисодий зоналарнинг географик жиҳатдан жойлашувининг алоҳида эканлигига кўпроқ эътибор қаратилган. Аммо ушбу ҳудудларнинг инвестиция муҳитини ривожлантиришдаги аҳамияти эътибордан четда қолган. Шу сабабли айтиш мумкинки, “эркин иқтисодий зона мамлакат ҳудудида тадбиркор-

лик салоҳиятини ривожлантириш, иқтисодий-ни либераллаштириш, инвестициялар оқимини фаоллаштириш ва қулай инвестиция муҳитини яратиш мақсадида имтиёзли режимлар амал қилувчи махсус ажратилган ҳудуддир”.

Юқорида таъкидланганидек, эркин иқтисодий зона республика ҳудудларининг инвестиция муҳитини ривожлантиришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Бу эса ўз навбатида, “инвестиция муҳити” категориясини илмий тадқиқ этиш заруратини келтириб чиқаради.

Инвестицион муҳитнинг соғломлиги, жозибдорлигини давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини акс этувчи макроиқтисодий кўрсаткичлар орқали ҳам баҳолаш мумкин. Жаҳон банкининг (ЖБ) классификациясига кўра, Сингапур давлати энг юқори даромадга эга бўлган давлатлар қаторига киради. Инвестицион иқлимга таъсир кўрсатувчи муҳим кўрсаткичлардан биттаси инфляция даражасидир. Инфляция даражаси қанчалик паст бўлса, инвестицион жозибдорлик шунчалик даражада юқори бўлади. 2005 йилда Сингапурда инфляция даражаси 0,5 фоизни, 2019 йилга келиб эса 0,4 фоизни ташкил этди. Давлатнинг инвестицион муҳит жозибдорлигига баҳо беришда, бугунги кунда энг кўп тарқалган усуллардан бири Doing Business индекси, Глобал рақобатбардошлик индекси [3].

Республикамиз иқтисодчи олимларининг қатор илмий тадқиқот ишларида “инвестиция муҳити” ва “инвестиция иқлими” категориялари ўзаро синоним тушунчалар (категориялар) сифатида талқин этилган. Бу борада Д.Ғозибеков ва Э.Носировнинг фикрича, “Инвестиция иқлими кенг маънода ишлатиладиган тушунча бўлиб, инвестор томонидан ҳисобга олинмаган барча муаммо ва масалаларни мужассамлаштиради. Инвестор томонидан маълум бир мамлакатга капитал ажратишнинг қулай ва ноқулай томонлари белгиланади, шу билан бир қаторда, ўз капиталини киритмоқчи бўлган мамлакат мафкураси, сиёсати, иқтисодий ва маданиятига катта аҳамият берилади [1]”.

Шунингдек, Ш.Мустафақулов ҳам “инвестицион иқлим” ва “инвестиция муҳити”нинг борасида олиб борган илмий изланишларида “инвестицион иқлим – ички ва ташқи инвестицияларнинг кириб келишига таъсир кўрсатадиган ялли иқтисодий, сиёсий, молиявий шароит” эканлигини алоҳида таъкидлаб, инвестиция муҳитининг ҳар томонлама, чуқур таҳлил қилиниши асосида инвестиция таваккали баҳолашига эътибор қаратади. Олимнинг фикрича, инвестиция муҳити ва таваккал даражалари бир-бирига тескари нисбатдадир. Инвестиция муҳити қанчалик қулай бўлса, инвесторнинг тадбиркорлик таваккали шунчалик паст дара-

жада бўлади ва бу инвесторларнинг кириб келишини фаоллаштиради. Аксинча, инвестиция муҳити ноқулай бўлса, таваккал даражаси юқори бўлади. Бу эса инвестиция қабул қилувчи томон сарф-харажатларининг ошишига олиб келади. Инвестиция муҳитининг ҳолати фақат инвестор учун эмас, балки инвестиция қабул қилувчи учун ҳам муҳимдир [2].

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот иши доирасида статистик кузатув, вербал шарҳлаш, тизимлаштириш, индукция ва дедукция каби тадқиқот усулларидадан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Мазкур иқтисодий интеграцион тузилмалар ҳудудларга миллий ва хорижий капитални жалб қилишнинг самарали воситаси ҳамдир. Халқаро иқтисодий муносабатлар тизимида эркин иқтисодий зоналар миллий иқтисодий тизимларда иқтисодий интеграция жараёнларини чуқурлаштириш, иқтисодийга миллий ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳамда давлатларнинг халқаро товар алмашинуви жараёнларида фаол иштирок этишини таъминловчи иқтисодий механизмдир. Ушбу зоналарда тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш фаолияти, асосан, экспортга ёки импорт ўрнини босадиган товарлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган бўлади. Бу бевосита эркин иқтисодий зоналарни ташкил этган давлатларнинг иқтисодий сиёсатидан келиб чиқади. Масалан, бир қатор Шимолий Америка қитъаси давлатларида (Никарагуа, Гватемала, Коста-Рика) ташкил этилган эркин иқтисодий зоналар, асосан, АҚШ истеъмол бозори учун экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

Демак, мазкур тузилмалар ривожланаётган давлатлар учун қўшимча истеъмол бозорларини эгаллаш имкониятини яратиб беради ҳамда давлатларнинг экспорт салоҳиятини юксалтиради. Айтиш мумкин, ушбу иқтисодий тузилмалар минтақавий иқтисодий интеграция жараёнларини кучайтириш воситаси сифатида ҳам хизмат қилади [6].

Эркин иқтисодий зоналар миллий ишлаб чиқариш жараёнларига трансмиллий корпорацияларни жалб қилиш воситаси ҳамдир. Аксарият саноати ривожланаётган давлатлар эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш ва тадбиркорлик субъектларига турли шаклдаги имтиёзлар бериш воситасида ўз ҳудудига трансмиллий корпорацияларни жалб этишга интилади. Мазкур корпорациялар давлатлар ишлаб чиқариш жараёнларида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ва уларни қулай нархларда реализация қилиш имкониятини беради. Ўзбекистон Республикасида эркин иқтисодий зоналарни ташкил этишнинг сабабларидан бири ҳам улар ҳудудига

трансмиллий корпорацияларни жалб қилиш истиқболлари билан изоҳланади. Ушбу тадбиркорлик субъектлари эркин иқтисодий зоналар ҳудудига хорижий инвестициялар олиб кириши билан аҳамиятлидир. Хорижий инвестициялар эркин иқтисодий зоналар фаолиятини ҳаракатлантирувчи муҳим восита эканлигидан келиб чиқиб таъкидлайдиган бўлсак, трансмиллий корпорациялар ва ушбу иқтисодий тузилмалар ўртасида узвий алоқа мавжуд.

Эркин иқтисодий зоналарни ташкил қилиш сиёсатида улар ҳудудида миллий ва хорижий тадбиркорлик субъектларининг ўзаро ҳамкорлигини амалга ошириш мақсади ҳам кўзланади. Ушбу жараёнда тўлиқ хорижий капитал ёки хорижий капитал иштирокидаги қўшма корхоналар ташкил этилади. Хорижий тадбиркорлик субъектлари иштирокидаги корхоналар эркин иқтисодий зоналар ҳудудига капитал, замонавий ишлаб чиқариш технологиялари, малакали ишчи кучи кириб келишини таъминлайди. Натижада юқори сифатли товарлар ишлаб чиқариш ва уларни реализация қилиш имконияти вужудга келади.

Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини тавсифловчи бир қатор таърифлар мавжуд. Мазкур таърифларда ушбу иқтисодий тузилмалар механизми турлича тавсифланган бўлса-да, улар фаолиятини тавсифловчи умумий хусусиятлар қуйидагилардир:

- мазкур иқтисодий тузилмалар асосий давлат ҳудудидан маъмурий ажратилган ҳолда ташкил этилади;
- ушбу иқтисодий ҳудудлар алоҳида бошқарув аппарати, мустақил тасарруф этадиган бюджетига эга бўлади;
- зоналар ҳудудида фаолият кўрсатадиган корхоналар муайян муддатга тўла ёки қисман даромад солиқларидан озод қилинади;
- улар ҳудудида тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг соддалаштирилган тартиблари амал қилади.

Бутунжаҳон Савдо Ташкилотининг 1973 йил 18 майдаги “Божхона таомилларини соддалаштириш ва уйғунлаштириш тўғрисида”ги Киото конвенциясида *эркин иқтисодий зоналар* товарларни экспорт қилиш жараёнида божхона тўловлари ва солиқлардан озод этилган давлат ҳудудининг бир қисми сифатида таърифланган [7]. Бизнингча, “эркин иқтисодий зона” давлат томонидан маълум бир иқтисодий ёки иқтисодий-ижтимоий мақсадларга эришишни кўзлаб ташкил этилган, махсус иқтисодий ва маъмурий тартибга эга алоҳида ҳуқуқий мақомли ҳудуд бўлиб, унда фаолият юритаётган субъектлар тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда мамлакатнинг бошқа ҳудудларига нисбатан имтиёзли тартиб ва имкониятларга эга бўлади.

Эркин иқтисодий зоналар, асосан, йирик минтақавий бозорларга чиқиш имкониятига эга қулай географик ҳудудлар ҳамда хомашё ресурсларига бой ҳудудларда барпо этилади. Бу мазкур иқтисодий зоналарда ишлаб чиқариладиган ёки қадоқланадиган товарларни реализация қилиш имкониятини оширади. Саноати ривожланган давлатларда эса ушбу зоналар инфратузилмаси ривожланмаган, давлатнинг бошқа ҳудудларига қараганда ривожланиш суръати паст даражада бўлган ҳудудларда ташкил қилинади. Бу фуқароларни иш билан таъминлаш, ички ва ташқи молиявий ресурсларни улар ҳудудига йўналтириш, инфратузилмаси ривожланмаган ҳудудларни ривожлантириш имкониятини вужудга келтиради.

Эркин иқтисодий зоналар иқтисодиётга илғор технологиялар, чет эл сармоялари, хорижий валюталарни киритиш, замонавий инфратузилмаларни яратиш, ички истеъмол бозорини сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, ривожланиш даражаси паст ҳудудларни жадал ривожлантириш, қўшимча ишчи ўринларини яратиш, иқтисодиётни бошқариш ва тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш соҳасидаги илғор халқаро тажрибаларни ўзлаштириш мақсадида ташкил этилади.

Ривожланган иқтисодий тизимларда эркин иқтисодий зоналарнинг вазифаси:

- миллий иқтисодий тизимларнинг жаҳон хўжалиги билан тўғридан-тўғри иқтисодий алоқаларга киришишига кўмаклашиш;
- давлатлар ташқи савдо айланмаси ҳажмини ошириш;
- миллий иқтисодиётга хорижий капитални фаол тарзда жалб қилишдан иборат.

Замонавий шаклдаги халқаро иқтисодий муносабатлар суверен давлатларнинг эркин иқтисодий зоналар фаолиятини тартибга солишга қаратилган иқтисодий, солиқ, божхона, валюта, монополистик фаолиятни чеклашга қаратилган қонунчилигини такомиллаштиришни талаб қилади. Бу эркин иқтисодий зоналар фаолиятини тартибга солишга қаратилган халқаро ҳуқуқий нормаларни яратишни талаб қилади. Суверен давлатларнинг ташқи савдо ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш фаолиятини рағбатлантиришга қаратилган турли иқтисодий интеграция, ташкилотларга (Бутунжаҳон Савдо Ташкилоти, ЕвроОсиё Иқтисодий Ҳамкорлиги ва ҳ.к.) аъзолик жараёнларининг кучайиши ҳам эркин иқтисодий зоналар қонунчилигини унификациялаш имкониятини яратиб беради.

Эркин иқтисодий зоналар фаолияти хорижий инвестицияларни жалб қилишга йўналтирилган бўлади. Натижада давлатлар хорижий инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантириш мақсадида миллий инвестиция қонунчили-

гини такомиллаштиришга интилади. Бу миллий қонунчиликни халқаро инвестиция қонунчилиги билан имплементация қилиш жараёнларини тезлаштиради.

АҚШ, Буюк Британия, Германия, Япония сингари саноати ривожланган давлатларда эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш асосида ривожланиш даражаси давлатнинг бошқа ҳудудларига қараганда паст бўлган минтақаларни ривожлантириш, улар ҳудудида қўшимча иш ўринларини яратиш, ҳудудий ривожланиш сиёсатини реализация қилиш, ҳудудларда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни мақсад қилади. Шу сабабли ушбу ҳудудлардаги миллий тадбиркорлик субъектларига кўпроқ эркинлик ва молиявий имтиёзлар берилади. Уларда эркин иқтисодий зоналарни ташкил этишдан ягона мақсад иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳисобланмайди.

Саноати ривожланаётган давлатларда эркин иқтисодий зоналарни ташкил этишдан асосий мақсад хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳисобланади. Чунки ушбу давлатлар иқтисодиётида ишлаб чиқаришни молиялаштиришда капитал етишмовчилиги муаммоси мавжуд бўлади. Замоनावий технологияларни ишлаб чиқариш жараёнларига жорий қилиш, ишлаб чиқаришни технологик янгилаш ва модернизация қилиш, ишчилар малакасини ошириш, замоनावий корпоратив бошқарув ва менежмент стандартларини ўзлаштириш, мавжуд хомашё ресурсларини юқори нархларда реализация қилиш каби режаларни амалга ошириш мақсадида ҳам ривожланаётган давлатларда ушбу ҳудудлар ташкил этилади.

Ҳўжалик юритувчи субъектлар ушбу ҳудудларда, одатда, солиқ, божхона, валюта имтиёзларига эга бўлиш, давлат субсидиялари ва имтиёзли кредитлар олиш, фойда олишга қаратилган фаолиятларини соддалаштирилган тарзда амалга оширишни мақсад қилади. Бу уларга таннархи паст бўлган ва жаҳон бозорида рақобатлаша оладиган товарлар ишлаб чиқариш имконини беради.

Ўзбекистон Республикасида эркин иқтисодий зоналар жаҳон стандартларига жавоб берадиган ва жаҳон бозорларида талаб қилинадиган маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган, замоनावий юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича қулай шартшароитлар яратиш, шунингдек, ҳудудларнинг саноат салоҳиятини, ишлаб чиқариш, транспорт-транзит ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида ташкил этилган. Миллий иқтисодиётимизда хорижий инвестицияларни, биринчи навбатда, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш иқтисо-

дий ривожланиш дастуримиздаги устувор вази-фа эканлигидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасида эркин иқтисодий зоналар барпо этилган. Ушбу зоналарни ташкил этиш саноат салоҳиятини, ишлаб чиқариш, транспорт-транзит ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш мақсадлари ҳам сиёсатимизда муҳим аҳамиятга эга.

Эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш ҳар бир давлатнинг иқтисодий сиёсатида турли сабаблардан иборат бўлса-да, барча давлатлар учун эркин иқтисодий зоналарни ташкил этишнинг умумий омиллари қуйидагилардир:

- давлатнинг экспорт потенциалини юксалтириш;
- хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва улардан фойдаланиш асосида ҳудудларнинг иқтисодий потенциалини кучайтириш;
- ички бозорни юқори сифатли импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар билан таъминлаш;
- қўшимча иш ўринларини яратиш;
- ишлаб чиқариш жараёнларини ташкиллаштириш ва уни бошқаришнинг замонавий тажрибасини, хусусан, корпоратив бошқаруving халқаро стандартларини ўзлаштириш.

Жаҳон мамлакатларининг кўп йиллик халқаро тажрибаси иқтисодиётни соғломлаштириш воситаси сифатида алоҳида ажратилган ҳудудларда эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш сиёсати самарали эканлигини кўрсатиб турибди. Умуман олганда, “эркин иқтисодий зоналар” атамаси умумий, комплекс тушунча сифатида ишлатилиб, у ўзида қуйидаги кўринишлардаги алоҳида режимдаги ҳудудларни ифода-лайди: эркин савдо зоналари; экспорт зоналари; эркин иқтисодий зоналар; саноат парклари; эркин портлар; логистика марказлари; тадбиркорлик зоналари ва технопарклар [8].

Юқоридаги жадвал бўйича шуни алоҳида қайд этиш керакки, 1986 йил бошларида АҚШда 100 дан ортиқ парклар мавжуд бўлган. Франция ва Буюк Британияда 26 та ва 36 та бўлган. ГФРда 1985 йилда 18 та шундай парклар бўлган, Японияда эса 20 та технополис бўлган. Осиёнинг янги саноат мамлакатларида 10 та технопарк мавжуд (Жанубий Корея, Сингапур, Таиланд, Малайзия, Тайвань). Энг йирик илмий парк 1980 йилда Тайванда ташкил этилган. Ушбу паркда савдо-саноат илмий тадқиқот институти, микроэлектроника ишлаб чиқариш бўйича Тайвань компанияси, электроника илмий тадқиқот институти, биотехнологияни ривожлантириш бўйича марказ ва 100 дан ортиқ саноат корпорациялари жойлашган. Фаолият тури бўйича туризм, суғурта, банк, офшор (Швейцария, Сингапур, Гонконг, Кипр) ва бошқа зоналар мавжуд[11]

Эркин иқтисодий зоналарнинг ташкил этилиши ва инвестиция муҳитидаги асосий хусусиятлари

ЭИЗ номи	Мазмуни, ташкил этилиши ва асосий хусусиятлари
<p>Эркин савдо зоналари</p>	<p>Эркин савдо зоналари тижорат мақсадида ишлаб чиқарилган товарларни сақлаш, қайта ишлаш, қадоқлаш, қайта экспорт қилишга мўлжалланган ҳудудлар ҳисобланади. Эркин савдо зоналари, одатда, денгиз портлари, халқаро аэропортлар ва халқаро савдо муносабатларини амалга ошириш учун қулай географик муҳитга эга ҳудудларда ташкил этилади. Уларда фаолият кўрсатувчи тижорат субъектлари божхона тўловларидан озод этилади. Ушбу зоналар АҚШда оммалашган. АҚШда 1934 йилда эркин савдо зоналари фаолиятини тартибга солиш ҳамда ушбу зоналарни ташкил этишни рағбатлантиришга қаратилан махсус қонун қабул қилинган. Қонунни қабул қилишдан асосий мақсад ташқи савдони ривожлантириш, савдо операциялари амалга оширилишини тезлаштириш, савдо тўсиқларини бартараф қилиш бўлган.</p>
<p>Экспорт зоналар</p>	<p>Эркин савдо зоналарининг бир тури сифатида экспорт зоналар саноат ва савдо муносабатлари такомиллашган давлатлар ҳукумати томонидан саноат ва тижорат маҳсулотлари экспортини қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилади. Ушбу зоналар, асосан, хорижий давлатлар бозори учун маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш мақсадида ташкил этилади. Эркин савдо зоналари ва экспорт зоналари ўртасидаги асосий фарқлар Хитой қонунчилигида мавжуд бўлиб, унга, асосан, экспорт зоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг камида 70 %и экспорт қилиниши керак. Экспорт зоналаридан қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:</p> <ul style="list-style-type: none"> - биргаликдаги тадбиркорлик зоналари (Югославия, Венгрия, Болгария); - эркин тадбиркорлик зоналари (АҚШ, Буюк Британия); - махсус иқтисодий зоналар (Хитой Халқ Республикаси). <p>Экспорт саноат зоналарида тадбиркорлар машина, хомашё, унинг компонентларидан олиннадиган бож ва бошқа тўловлардан озод қилинган. Чет эл фирмалари солиқ, даромад солиғи тўлашдан ва бошқа билвосита ва бевосита солиқ тўловларига нисбатан бериладиган “солиқ таътиллари”га эга. Уларга валюта кредити ва имтиёзли кредит олишда имтиёз ва эркинликлар берилган.</p>
<p>Эркин портлар</p>	<p>Эркин портлар эркин иқтисодий зоналарнинг оммалашган шакли ҳисобланади. Ушбу зоналарда фаолият кўрсатадиган тижорат ташкилотларига чакана савдо, туризм ва шунга ўхшаш турли шаклдаги фойда олишга қаратилган ҳаракатларга рухсат этилган. Бундан ташқари эркин портларнинг эркин иқтисодий зоналарнинг бошқа шаклларида ажралиб турадиган жиҳатлари қуйидагилардан иборат:</p> <ul style="list-style-type: none"> - эркин портлар ҳудудида фаолият кўрсатадиган тижорат ташкилотларининг тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишларида ҳамда фирмалараро савдо алмашинувини ташкил қилишда уларга кенг ҳудудлар бериш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади; - эркин портлар ҳудудларида фаолият кўрсатадиган тижорат субъектларига фойда олишга қаратилган бир қанча тадбиркорлик ҳаракатларини амалга оширишга рухсат этилади. Ушбу ҳаракатлар ўз ичига ишлаб чиқариш, туризм, бож тўловларисиз савдо фаолиятини амалга ошириш, юкларни сақлаш ва шу кабиларни олади; - эркин порт зоналари ҳудудида доимий рўйхатдан ўтган ёки вақтинчалик муассаса шаклидаги барча тижорат субъектлари солиқ ва божхона тўловларидан озод қилинган ҳолда ушбу ҳудудларда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширади. <p>Эркин порт зоналарининг бир кўриниши бўлган савдо омборхона зоналари шундай зоналарки, уларда хорижий келиб чиқишга эга бўлган товарлар одатдаги божхона божларини тўламасдан, сақланиши, сотилиши ёки сотиб олиниши мумкин. Божсиз савдо-омборхона зонасига 1973 йилги Киото конвенциясида таъриф берилган. Ушбу зоналар учун 3 та асосий белгилар хос:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1) улар халқаро бозорга хизмат кўрсатиш учун ташкил этилади; 2) уларга мамлакатнинг қолган ҳудудида амалда бўлган кўпгина солиқ тўловлари ва божхона чекловлари татбиқ этилмайди (божхона экстерриториаллиги); 3) улар маълум бир маънода “эркин” бўлишларига қарамай, ташқи иқтисодий алоқалари давлат томонидан тартибга солинади.
<p>Тадбиркорлик зоналари</p>	<p>Тадбиркорлик зоналари иқтисодий жиҳатдан ривожланиш кўрсаткичлари паст бўлган ҳудудларда солиқ имтиёзлари ва молиявий ёрдамлар бериш асосида, ушбу ҳудудлардаги иқтисодий кўрсаткичларни кўтариш ва ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантириш мақсадида ташкил этилади. Юқорида таъкидланган ушбу шаклдаги ҳудудлар ўзида эркин иқтисодий зоналарнинг асосий белгилари:</p> <ul style="list-style-type: none"> эркин иқтисодий зона ҳудудининг давлатнинг асосий ҳудудидан ажратилганлиги; ички маъмурият бошқаруви асосида эркин иқтисодий зона ҳудудида тижорат фаолиятининг муҳофазаланганлиги; тижорат ташкилотларига махсус солиқ ва божхона имтиёзларининг берилганлиги; тижорат ва тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга қулай ҳудудда жойлашганлиги кабиларни ифодалайди.

INNOVATSIYA VA INVESTITSIYA

Эркин божхона зоналари	Эркин иқтисодий зоналарнинг оммалашган шаклларида бири эркин божхона зоналаридир. Ушбу зоналар экспортга мўлжалланган товарларни сақлаш, қайта ишлаш ва қадоқлаш мақсадида ташкил этилган транзит ва консигнацион омборхоналар ҳисобланади. Божхона зоналарида тадбиркорлик филлиаллари, одатда, норезидент юридик шахслар томонидан очилиб, унинг ҳудудида олиб кирилатган ва олиб чиқилган товарлар учун божхона тўловларидан озод қилинади. Бу шаклдаги зоналарни ташкил этиш амалиёти саноати ривожланган давлатлар ҳудудида оммалашган.
Оффшор зоналар	Оффшор зоналар ўзи жойлашган давлатнинг бутун ҳудудида ёки унинг бир қисмида жойлашиб, улар ҳудудидаги тижорат ташкилотлари фаолиятини норезидент субъектлар шаклида содалаштирилган тарзда рўйхатдан ўтказиш ва лицензиялаш тартиби, имтиёзли солиқ сиёсати амал қилади. Тижорат субъектларининг оффшор зоналарда фаолият кўрсатишининг асосий шарты шуки, уларнинг тадбиркорлик фаолияти оффшор зона жойлашган давлат ҳудудидан ташқарида бўлиши керак.
Технопарклар	Уларнинг ўзига хос жиҳати улар ҳудудида илмий ва ишлаб чиқариш технологик фаолият замонавий илмий-ишлаб чиқариш фирмалари шаклида бирлашиши ва йирик илмий тадқиқот маркази, университет миқёсида мавжуд бўлишидир. Илмий технология зоналари иқтисодий тузилмасида қайси соҳанинг устунлик қилишидан келиб чиқиб, уларнинг 3 та тури фарқланади: <ul style="list-style-type: none"> - инновация маркази – бу унча катта бўлмаган участкада жойлаштирилган иқтисодий тузилма бўлиб, эндигина яратилган кичик компания учун мўлжалланган; - илмий парк – бу анча катта ҳудудга эга бўлиб, унда турли миқдор ва ривожланиш босқичидаги илмий ишлаб чиқариш фирмалари жойлашган бўлиб, маҳаллий тадқиқот маркази(университет)нинг илмий-техник қурилмалари асосида унча катта бўлмаган ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга имкон беради; - тадқиқот парклари – улар доирасида илмий-техник янгилик техник прототип босқичигача ишлаб чиқарилади. Бундай паркларда саноат компаниялари, илмий тадқиқот, саноат-конструкторлик муассасалари бирлашади. Масалан: АҚШнинг Бостон штатида “Классик” тадқиқот парки ўзида компьютер техникасини ишлаб чиқариш бўйича 700 дан ортиқ саноат компанияларини бирлаштирган.
Индустриал-иқтисодий зоналар	Индустриал-иқтисодий зоналар, асосан, юқори технологияли ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил қилиш мақсадида ташкил қилинади. Ушбу шаклдаги эркин иқтисодий зоналарнинг агро-индустриал иқтисодий зоналар, илмий-индустриал иқтисодий зоналар каби шакллари ҳам мавжуд. Мазкур зоналарда, асосан, ишлаб чиқариш фаолиятини рағбатлантиришга қаратилган сиёсат юритилиб, зона инфратузилмаси ҳам айна шунга мўлжалланади. Ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этишга мўлжалланган инфратузилма объектлари, юқори кучланишли электр энергия манбалари, муҳандислик-коммуникация технологиялари, транспорт-логистика марказлари шулар жумласидандир.

Манба: муаллиф томонидан тузилган.

Юқорида таъкидланган эркин иқтисодий зоналар таркибида алоҳида лойиҳалар асосида тижорат фаолиятини амалга оширишга ихти-

сослашган эркин иқтисодий зоналар ҳам вужудга келмоқда. Буни қуйидаги жадвал маълумотлари асосида кўриш мумкин:

2-жадвал

Эркин иқтисодий зоналарнинг ихтисослашув асосида турлари

Зона шакллари	Ривожлантиришга қаратилган соҳалар	Жойлашуви	Фаолият йўналишлари	Маҳсулотлари сотиладиган бозорлари
Технологик ёки илмий парклар	Ахборот технологиялари ва илмий янгиликлар	Университет ва институтлар ҳузурида	Ахборот технологиялари фаолияти	Ички ва экспорт
Нефть-кимё технология зоналари	Энергия саноатини ривожлантириш	Нефть-кимё манбалари мавжуд ҳудудларда	Нефть-кимё ва оғир саноат соҳалари	Ички ва экспорт
Молиявий хизматлар	Оффшор молиявий хизматлар	Оффшор ўрнатилган ороллар, давлатлар	Оффшор молиявий марказларни ривожлантириш	Экспорт
Аэропорт зоналари	Юкларни халқаро ташиш соҳасини ривожлантиришга йўналтирилган	Аэропортларда	Юкларни ташиш, уларни сақлаш	Қайта экспорт ва ички
Туризм зоналари	Туризм соҳасини ривожлантириш	Туризм ҳудудларида	Туризм ҳудудларида	Ички ва экспорт
Логистика парклари	Логистика соҳасини ривожлантириш	Аэропорт, порт ҳудудларида	Юкларни ташиш ва сақлаш	Қайта экспорт

Манба: муаллиф томонидан тузилган.

Ушбу шаклдаги махсус лойиҳалар асосида фаолиятини амалга оширадиган эркин иқтисодий зоналарнинг ихтисослашган турлари ривожланишининг иқтисодий стратегияси, шу каби иқтисодий ривожланиш лойиҳаларини Ўзбекистон Республикасида жорий этишни кун тартибига қўяди.

Ушбу соҳада амалга оширилган кўп сонли тадқиқотлар шуни кўрсатадики, махсус иқтисодий лойиҳалар асосида ташкил этиладиган бу каби ҳудудлар эркин иқтисодий зона мақомига тўла мос келиш ёки келмаслиги мунозарали масаладир.

Хулоса ва таклифлар. Қорақалпоғистондаги кўпгина туманларда инвестиция муҳитининг яхши ривожланмаганлиги хизматлар соҳасининг етарли даражада инвестицион жозибадорликка эга эмаслиги, қулай инфратузилманинг шаклланмаганлиги ва ривожлантирилмаганлигини кўрсатмоқда. Албатта, ушбу ҳолат, ўз навбатида, Қорақалпоғистондаги инвестиция муҳитини яхшилашга бевосита салбий таъсир этувчи омиллардан бири бўлади десак, айтиш ҳақиқатдир.

Қорақалпоғистон Республикасида молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга

ўзлаштирилган инвестициялар таркибининг таҳлилидан маълум бўладики, ҳудудга марказлашган инвестицияларнинг улуши йилдан-йилга тобора ортиб бормоқда. Шу билан бир қаторда, 2017 йилга нисбатан 2019-2022 йилларда инвестиция муҳитининг бир қадар яхшиланиб бориши натижасида чет эл инвестициялари ва кредитларининг ҳам кириб келиши жадаллашмоқда.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Қорақалпоғистонда инвестиция муҳитини яхшилашда қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- Қорақалпоғистонда “йўлдош эркин иқтисодий зоналар”ни ташкил этиш. Бунда, “Жиззах”, “Ургут” эркин иқтисодий зоналарнинг дирекциялари раҳбарлигида Қорақалпоғистоннинг бир қатор туманларида, жумладан, Мўйноқ, Беруний, Амударё туманларида “йўлдош эркин иқтисодий зоналар”ни ташкил этиш ҳудудларнинг инвестиция муҳитини яхшилашда ижобий самара беради;

- Қорақалпоғистонга инвестицияларни фаол жалб этиш мақсадида инвесторларга бериладиган молиявий имтиёزلарни табақалаштириш мақсадга мувофиқ.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ғозибеков Д.Ғ., Носиров Э.И. Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш. Рисола. – Т.: Иқтисод-молия, 2007. – 92 б.
2. Мустафақулов Ш.И. Инвестицион муҳит жозибадорлиги: назария, методология ва амалиёт. Монография. – Т.: Iqtisod-moliya, 2017. – 326 бет.
3. Зайниддинов Р. Ўзбекистонда инвестицион муҳит жозибадорлигини ошириш борасида илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш йўллари. // “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. 5-son, sentabr-oktabr, 2020-yil.
4. Авдокушин Е.Ф. Свободные (специальные) экономические зоны. – М., 1993. Торопова Л., Тереньев А. Анализ состояния и перспектив развития промышленного производства особой экономической зоны. // Вопросы статистики. 1998. № 2. С. 11-33.
5. Агаркова Н.П., Шарпа И.А. Государственное регулирование инвестиционной деятельности. // Материалы научно-практической конференции «Правовое обеспечение предпринимательской деятельности в России и СНГ». – М., 2000.
6. Dobrogonov F. and Farole T. An economic integration zone for the East African community: exploiting regional potential and addressing commitment challenges. World bank policy research working paper 5967. Washington, DC: World Bank.
7. <http://www.wcoomd.org>.
8. “Special Economic Zone’s Progress, Emerging Challenges, and Future Directions”. Washington DC: The International Bank for Reconstruction and Development. / The World Bank. 2011. Retrieved 25 May 2014.
9. Arthur O’ Sullivan; Steven M. Sheffrin. *Economics: Principles in action*. Upper Saddle River. – New Jersey, 200307458: Pearson Prentice Hall. P. 454. ISBN 0-13-063085-3.
10. “Compare”. Yusen Logistics Co., Ltd. Retrieved 9 May 2014.
11. Данько Т.П., Окрут З.М. Свободно экономические зоны в мировом хозяйстве. – М.: Инфра-М, 1998. С.10.
12. Умирзоқов Ж.А. Махсус иқтисодий зоналарда инвестицион фаолликни ошириш истиқболлари. И.ф.ф.д. (PhD) дисс. автореф. – Т., 2022. – 55-б.
13. Бозаров С.С. Ўзбекистон Республикаси эркин иқтисодий зоналарида тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш. Ю.ф.ф.д. (PhD) дисс. автореф. – Т., 2018. 8-б.
14. Зименков Р.И. Свободные экономические зоны: американский опыт. // Российский экономический журнал. 2008, № 3, с. 66-78.